3000000 ТОННА ТАЙЁР!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 196 (5545).

7 ОКТЯБРЬ СЕШАНБА

1975 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

ИККИ РАЙОН МЕХАНИЗАТОРЛАРИНИНГ ЮТУҒИ

Пахта йиғим-терими суръатини кун сайин кучайтиришда пахтачиликни комплекс механизациялаштириш катта роль ўйнаётир. Шу жиҳатдан олиб қараганда ҚУЙИ ЧИРЧИҚ район «зангори кема» капитанларининг ғайрат-шижоати бошқаларга ўрнак бўлардидир. Байроқдор бу район пахтакорлари машиналарни кеча-кундуз тўла қувват билан ишлатаётирлар. Механизаторлар ўртасида бошланган социалистик мусобақа ўзининг ажойиб натижаларини кўрсатмоқда. Дала гвардиячилари пландаги 32 минг ўрнига 32 минг 42 тонна пахтани машиналар билан теріб бу соҳадаги йиллик планни ошириб адо этдилар.

«Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози, «Москва», «Ленинград» колхозлари машина теримида айниқса, юқори кўрсаткичларга эришмоқдалар.

Шуниндек, ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ район механизаторлари ҳам машина теримига зўр бериб бу соҳадаги йиллик планни кеча шараф билан бажардилар.

Бу ҳар икки район механизаторлари зиммадаги социалистик мажбуриятни тезроқ уддалаш йўлида шу кунларда ҳормай-толмай ишламоқдалар.

50 ЦЕНТНЕРНИ КЎЗЛАБ

«Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози давлатга пахта топширишнинг кундалик кўрсаткичи юзасидан пешқадамликни қўлдан бермай келмоқда. Далалардан тайёрлов пунктига ҳар куни 1.370 тонна, яъни йиллик планнинг 10,7 процента миқдорида пахта элтиб берилмоқда. Ўзбекистондаги тажрибали пахтакор хўжаликларнинг биронтаси ҳам ҳали ҳеч қачон бундай суръатга эришган эмас.

— Бу йил пахта эрта ва қийғос очила бошлади, — деди совхоз директори Саидкарим Зокиров. — Деҳқонлар даларда тер тўкиб меҳнат қилишди. Чигитни жуда эрта — апрель бошларида олти кун ичида экиб бўлишди. Илгари бу иш ўн кунга чўзилар эди. Машина терими ҳам энг яхши муддатларда бошланди. Чаноқлар ҳамма пайкалларда айни бир вақтда очила бошлади.

Совхознинг тўрт минг гектар пахтазорларидан ҳозиргача 14 минг тоннага яқин пахта теріб олинган бўлса-да, далага қараган киши, терим ҳали бошланмапти, деб ўйлайди. Бепоён далаларда «зангори кема»лар жавлон урмоқда. Ҳар бир пайкалда 4—5 машинага кўзингиз тушади. Дала четларида кўчма ремонт устаханалари, ёқилғи қўйиш агрегатлари, тележкалар шай бўлиб турибди.

Коммунист Алима Айвазова бошчилик қилаётган В. И. Ульянов номли бўлимнинг даласи айниқса кўзни қувонтиради. Звено бошлиқларидан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Энвер Алиев ва КПСС XXIV съездининг делегати Абдусаттор Сулаймонов шу ерда меҳнат қилмоқдалар. Бу миришкор пахтакорлар бошчилигидаги звеноларнинг ҳар бирига 71 гектар пахтазор бириктирилган, уларнинг ҳосилдорлик ва машина терими юзасидан олган мажбуриятлари ҳам бир хил. Икковлари икки қаторли машинада ишлашаяпти. Уларнинг ёшлари ҳам баравар, характерлари ҳам бир-бирига ўхшаш: кам гапириб, кўп иш қиладилар.

— Лекин ишимизда фарқ ҳам бор, — дейди Абдусаттор. — Энвер мажбуриятни мендан бир кун аввал бажарди — бункеридан 150 тонна пахта ағдарди.

Илғор звеноларнинг иши аниқ, пухта ташкил этилган. Ҳар бир дақиқа ҳисобда. Биз соатга синчиклаб қараб турсак, Сулаймонов бошқараётган «зангори кема» бункери 40 минутда пахтага тўлди. Орадан 2—3 минут ўтар-ўтмас пахта тележкага ағдарилди. Иккинчи шўнғишда бу шункор яна шунча пахта теріб чиқди. Тракторга тиркалган тележкалардан иборат поезд тайёрлов пунктига йўл олади. Бўлимдаги ўн икки нафар механик-ҳайдовчининг ҳаммаси шундай меҳнат қилмоқда.

— Бизнинг пахтамиз совхозда жуда арзон тушмоқда, — деди Авазова

Алима далага ишора қилади. Ғўзалар оппоқ пахта билан тўлиқ. Ҳар бир чаноқнинг пахтаси ўрта ҳисобда олти граммга боради. Демак, ҳар гектар ерда яна 11 центнердан пахта бор.

— Бизнинг мақсадимиз — 50 центнер!— деди Алима.

О. ПАНОВА,
Г. КИРХОЖИ,
ЎзТАГ мухбирлари.
Қуйи Чирчиқ райони.

ОБЛАСТИМИЗ ПАХТАСИ 250.000 ТОННАДАН ОШДИ

ЎЗБЕКИСТОН САНОАТИНИНГ ОДИМЛАРИ

Узбекистон ССР Марказий статистика бошқармаси хабар беришича, республика саноати маҳсулотни реализация қилиш юзасидан шу йил тўққиз ойлик планини 104,5 процент бажарди, меҳнат унумдорлиги топшириғини 102,6 процент адо этди.

Саноат ишлаб чиқаришининг ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 10,4 процент кўпайди, меҳнат унумдорлиги 6,2 процент ошди.

Саноат маҳсулотини реализация қилиш тўққиз ойлик планини Қорақалпоғистон АССР, республиканинг барча областлари ва Тошкент шаҳри бажарди.

Қорақалпоғистон АССР, республика областлари ва Тошкент шаҳри бўйича саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш плани ва ишлаб чиқаришни ўстириш суръатлари қуйидагича бажарилди (биринчи стун — сентябрь ойида маҳсулотни реализация қилиш планининг бажарилиш проценти, иккинчи стун — январь-сентябрь ойларида маҳсулотни реализация қилиш планининг бажарилиш проценти, учинчи стун — январь-сентябрь ойларида ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот 1974 йилнинг шу давридагига нисбатан процент ҳисобида, тўртинчи стун — пландан ташқари реализация қилинган маҳсулот йиллик мажбуриятга нисбатан процент ҳисобида):

Узбекистон ССР шу жумладан:	104,2	104,5	110,4	72,3
Қорақалпоғистон АССР	110,1	107,1	116,3	74,0
Андижон области	107,7	107,7	107,1	74,6
Бухоро области	106,7	103,0	110,8	101,2
Жиззах области	115,6	107,5	116,5	113,3
Қашқадарё области	108,3	105,8	114,6	67,7
Наманган области	103,9	107,1	111,1	73,2
Самарқанд области	107,2	105,4	109,1	86,9
Сурхондарё области	100,5	105,2	104,5	63,3
Сирдарё области	110,1	108,1	113,9	69,4
Тошкент области	99,3	103,7	110,7	65,9
Фарғона области	105,4	104,0	108,7	64,4
Хоразм области	104,8	104,9	119,3	64,7
Тошкент шаҳри	104,1	104,0	110,3	69,3

Шу билан бирга айрим корхоналар планни бажараолмадилар. Улар орасида Фарғонадаги азотли ўғитлар заводи, Чирчиқ трансформатор заводи, Тошкент экскаватор заводи, Тошкент мебель комбинати, Қўқон кўн заводи, Денов ёғ экстракция заводи, Қибрай пиво-спиртсиз ичимликлар комбинати ва бошқа бир қанча корхоналар бор.

Партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари ва хўжалик раҳбарлари республикадаги барча саноат корхоналари беш йиллиннинг якунловчи йили планлари ва социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажаришлари учун зарур бўлган барча чораларни кўришлари лозим.

Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхозида ўнлаб «зангори кема»лар ишлаб турипти. Дала капитанлари машиналарни яхши ишлатиб, яхши кўрсаткичларга эришяптилар. Абдушукур Курмашов кунига 8—10 тоннадан «оқ олтин» теріб, нормасини ошириб бажармоқда. Суратда: илғор механик-ҳайдовчи А. Курмашов.

А. Абалян фотолари.



430.000 ТОННА ПАХТА УЧУН

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 6 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Халқ хўжалик планига нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи стун — районлар, иккинчи стун — бир кунда топширилган пахта, учинчи стун — мавсум бошидан бери, тўртинчи стун — бир кунда машинада терилгани, бешинчи стун — мавсум бошидан бери.

Қуйи Чирчиқ	3,96	92,23	4,58	100,13
Юқори Чирчиқ	6,41	85,79	6,89	94,55
Янгийўл	3,62	70,31	4,86	44,88
Оққўрғон	3,84	65,17	3,90	62,87
Ўрта Чирчиқ	3,27	64,65	4,14	70,70
Бекобод	4,00	62,22	4,68	56,62
Пискент	3,65	62,03	3,75	56,54
Бўка	4,00	61,73	3,80	56,35
Чиноз	4,02	55,28	4,16	44,07
Область бўйича:	3,94	67,54	4,39	66,15

„КОММУНИЗМ“ СОВХОЗИ МАРРАГА ЕТДИ

Қуйи Чирчиқ районидаги «Коммунизм» совхози коллективи пахта тайёрлаш планини ошириб бажарди. Давлатга пландаги 1000 тонна ўрнига 1003 тонна пахта сотилди. Топширилган жами пахтанинг 945 тоннаси машина билан теріб олинди.

Саидвали Хўраев бошлиқ бўлим пахтакорлари гектаридан 28,5, Ким Сергей бошлиқ бўлим ишчилари 30 центнердан ҳосил йиғиб олдилар.

Пахтани тез теріб олишда Т. Қосимова, З. Рўзиматова, Б. Мўминов, М. Зуфаров синғари моҳир механик-ҳайдовчилар баракали меҳнат қилдилар.

Совхоз коллективи яна 680 тонна пахта топшириб, пахта ҳосилдорлигини 42 центнерга етказиш мажбуриятини олиб йиғим-терими жадал давом эттирмоқда.

САБЗАВОТКОР ДЕҲҚОНЛАР

Халқ хўжалиги йиллик планининг муваффақиятли бажарилганлиги баён этилган рапортда Калинин районидаги Ленин номли колхоз аъзолари ўнинчи беш йиллик ҳисобига маҳсулот етказиб бераётганликлари алоҳида таъкидланган. Улар ўнинчи беш йиллик ҳисобига ҳозиргача 131 тонна дон, 454 тонна картошка, 7840 тонна сабзавот, 420 тонна узум, 240 тонна мева етказиб берганлар. Ҳали далаларда, боғларда ҳосил кўп. Социалистик мажбурият ҳисобига маҳсулот топшираётган колхознинг фидокор кишилари янги ютуқларни қўлга киритиш учун қурашмоқдалар.

Якунловчи йилнинг эрта кўкламидан астойдил ишга киришган бу хўжалик аъзолари шаҳарликларга эртаги картошка ва бошқа сабзавот экиндари маҳсулотини кўпроқ етказиб бериш йўлида ғайрат кўрсатиб меҳнат қилдилар. Шунинг натижасида пландаги 900 ўрнига 905 тонна картошка, 3565 ўрнига 3582 тонна сабзавот етказиб берилди. Бошқа соҳалардаги йиллик планлар ҳам анча ошириб адо этилди.

Колхозда чорвачилик маҳсулотлари етказиб бериш юзасидан зиммага олинган социалистик мажбурият қониқарли адо этилмоқда. Чунки, колхозда емхашак тайёрлашга алоҳида эътибор берилаётир. Даала хашак тайёрлаш, силос бостириш, озуқа лавлагидан мўл ҳосил етиштириш топшириқлари муваффақиятли бажарилмоқда. Гектаридан 500 центнер ўрнига 600 центнердан хашаки лавлаги олинаётир. Бу хўжалик аъзолари 150 тонна ўрнига 225 тонна маккажўхори дони тайёрладилар.

Колхоз хўжалигини юксалтиришда Нурмат Султонов, Шарофбой Назаров, Мастон Шералиева, Раззоқ Қаюмов, Ниязжон Абдулазизов, Ҳаким Ҳосилов, Илёс Исматов синғари ўтқоқлар бошчилик қилаётган бригада ва звеноларнинг муносиб ҳиссаси қўшмоқдалар.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ШОЛИ ЎРИШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 6 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

[Экин майдонига нисбатан процент ҳисобида].

Биринчи стун — районлар, иккинчи стун — бир кунлик ўсиш, учинчи стун — мавсум бошидан бери.

Янгийўл	4,1	92,6
Пискент	2,8	91,7
Бўка	2,5	88,9
Юқори Чирчиқ	8,5	87,0
Оққўрғон	7,7	82,2
Қуйи Чирчиқ	5,2	70,3
Ўрта Чирчиқ	3,9	69,0
Бекобод	5,9	48,9
Область бўйича:	5,0	70,4

ГДР ПАРТИЯ-ДАВЛАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ МОСКВАГА КЕЛДИ

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг таклифига биноан Германия Бирлашган Социалистик партияси Марказий Комитети биринчи секретари Эрих Хонеккер бошчилигидаги Германия Демократик Республикасининг партия-давлат делегацияси расмий дўстона визит билан 6 октябрда Москвага келди.

Делегация составида Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ГДР Давлат кенгашининг Раиси Вилли Штоф, ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ГДР Министрлар Советининг Раиси Хорст Зиндерман, ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ГБСП Марказий Комитетининг секретари Герхард Грюнеберг, ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ГБСП Марказий Комитетининг секретари Курт Хагер, ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ГДР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари Гюнтер Миттаг, ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, ГДР давлат хавфсизлиги министри Эрих Мильке, Германия либерал-демократик партиясининг Раиси, ГДР давлат кенгаши раисининг ўринбосари Манфред Герлах, Германия демократик деҳқонлар партиясининг Раиси, ГДР халқ палатаси президиумининг аъзоси Эрнст Гольденбаум, христиан-демократик иттифоқ Раиси, ГДР халқ палатасининг президенти Геральд Геттинг, Германия миллий-демократик партиясининг Раиси, ГДР давлат кенгаши раисининг ўринбосари Генрих Хоман, ГБСП Марказий Комитетининг аъзоси, ГДР Ташқи ишлар министри Оскар Фишер, ГБСП Марказий Комитетининг аъзоси, ГДР давлат кенгашининг Раиси Пауль Штраус, ГБСП Марказий ревизия комиссиясининг аъзоси, ГБСП Марказий Комитети бўлим мудирининг ўринбосари Вернер Эберляйн бор.

ГДР ва СССРнинг давлат байроқлари билан безатилган аэродромда Германия Демократик Республикасининг партия ва давлат арбобларини КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, СССР Министрлар Совети Раиси А. Н. Косигин, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, СССР Министрлар Совети ҳузуридаги давлат хавфсизлик комитетининг Раиси Ю. В. Андропов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети сиёсий бюроси аъзоси, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари В. В. Гришин, КПСС Марказий Комитети секретари Г. Ф. Катушев, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Делегацияни Москва меҳнаткашларининг намояндалари кутиб олди.

Аэродромда кутиб олувчилар орасида ГДРнинг Совет Иттифоқидаги элчиси, ГДР партия-давлат делегацияси составига кирган Гарри Отт бор эди.

Олий мартабали меҳмонларнинг келиши муносабати билан қуролли кучларнинг уч тури—пиёда аскарлар, учувчилар, денгизчилардан иборат фахрий қоровул саф тортиб турди.

Соат 12 да самолёт ерга кўнди. Л. И. Брежнев, Н. В. Подгорний, А. Н. Косигин, Ю. В. Андропов, А. А. Громико, В. В. Гришин, К. Ф. Катушев ўртоқлар самолёт зинапоялари олдига келиб ўртоқ Э. Хонеккер, В. Штоф, Х. Зиндерман, ГДР партия-давлат делегациясининг бошқа аъзолари билан ўртоқларча, самимий кўришдилар.

Азиз меҳмонларга гулдасталар тақдим этилди. Фахрий қоровул бошлиғи ГДР партия-давлат делегациясининг бошлиғи Э. Хонеккерга рапорт берди. ГДР ва Совет Иттифоқининг давлат гимнлари янгради.

Ўртоқ Л. И. Брежнев билан Э. Хонеккер фахрий қоровул сафлари олдидан ўтдилар. Аэродромга келган пойтахт меҳнаткашларининг вакиллари ўртоқ Л. И. Брежнев билан Э. Хонеккерни, ГДР ва Совет Иттифоқининг бошқа партия ва давлат раҳбар арбобларини қизғин қарсаклар билан табрикладилар. Ҳар иккала мамлакат халқлари билан дўстлик шарафига, КПСС билан ГБСП шарафига табрик сўзлари айтилди.

Тантанали кутиб олиш маросими охирида фахрий қоровул саф тортиб ўтди.

Ўртоқ Э. Хонеккер, В. Штоф, Х. Зиндерман ўртоқ Л. И. Брежнев, Н. В. Подгорний, А. Н. Косигин билан биргаликда, ГДР партия-давлат делегациясининг бошқа аъзолари мотоциклчилар фахрий эскорти кузатиб борган ҳолда автомашиналарда Кремлдаги резиденция томон йўл олдилар. Москваликлар азиз меҳмонлар ўтиб борган пойтахт кўчалари ва майдонларида уларни самимий табриклаб турдилар. Кўчалар ва майдонлар ҳар иккала қардош мамлакатнинг давлат байроқлари ҳамда Совет Иттифоқи билан ГДР халқлари ўртасидаги мустаҳкам дўстлик шарафига табрик сўзлари ёзилган транспарантлар билан безатилган эди.

(ТАСС).

ГИДРОҚУРУВЧИЛАР АКТИВИНИНГ ЙИҒИЛИШИ

ШАРЛОВУҚ (Хоразм области), 6 октябрь. (ЎзТАГ). Бугун бу ерда «Туямуюнгидрострой» қурилиш бошқармаси партия-хўжалик активининг йиғилиши бўлди. Йиғилиш қатнашчилари «Туямуюнгидрострой» қурилиш бошқармаси партия комитетининг коллективини социалистик мажбуриятларни бажаришга сафарбар этиш соҳасидаги иши тўғрисида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг қарори асосида социалистик мусобақани ташкил этишни яна ривожлантириш ва яхшилаш юзасидан Туямўйин гидро узели қурувчиларининг вазифаларини муҳокама қилдилар. «Туямуюнгидрострой» бошлиғи В. Г. Духанин доклад қилди.

Йиғилишда сўзга чиққан нотиқлар беш йилликни якуловчи йилида ҳар бир участка, бригада, ишчи мажбуриятларни сўзсиз бажаришга қаратилган ташкилотчилик, сиёсий-оммавий ва тарбиявий ишни янада кучайтириш юзасидан бир қанча таклифлар киритдилар.

Йиғилиш қатнашчилари коммунистлар, барча гидроқурувчилар йиллик пландан ташқари 150 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажаришга қарор қилганликларини таъкидладилар.

Йиғилишда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

КПСС ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

КПСС XXIV съездидан буён ўтган давр мобайнида партия ва ҳукуматимиз буюк доҳий В. И. Ленин кўрсатмаларига ҳамиша амал қилиб, совет халқининг фаровонлиги ва турмуш даражасини ошириш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилиб келди. КПССнинг ана шу мақсадга қаратилган улкан фаолияти эндиликда ажойиб самаралар бермоқда. Совет кишиларининг турмуш даражаси йилдан-йилга яхшиланиб, уларнинг моддий ва маданий фаровонлиги ошиб бормоқда.

КПСС XXIV съезди социалистик ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг юксак суръатларига эришиш, фан-техника тараққиётининг самарадорлигини ошириш ҳамда меҳнат унумдорлигини тинмай ўстириш негизида совет халқи моддий ва маданий турмуш даражасини анча юксалтиришни тўқкизинчи беш йиллининг асосий вазифаси қилиб белгилади. Бу беш йилликда халқ фаровонлигини тинмай ошира бориш, совет кишиларининг ижодий активлигини юксалтириш, фан, маориф ва маданиятни ҳар тарафлама ривожлантириш учун кенг имкониятлар очилди.

Съездда шу нарса алоҳида таъкидландики, халқ фаровонлигини тинмай ошира бориш партия узоқ муддатга мўлжаллаган йўналишдир. Бу кўп қиррали жараён аҳоли даромадларининг ўсиб бориши, моддий маблағларни истеъмол қилиш даражаси, аҳолининг уй-жой билан таъминланиши, коммунал, маиший, транспорт ва бошқа турдаги хизматлар даражаси оширилиши, маориф, соғлиқни сақлаш, маданий хизмат, социал страхованиени ривожлантириш, иш вақти ва ишдан ташқари бўш вақтнинг давомийлиги каби омиллар билан характерланади.

Бунда партиямиз социализмнинг «Ҳар кимдан қобилиятига яраша, ҳар кимга меҳнатига яраша» деган асосий принципига амал қилиб, совет кишиларининг фаровонлигини янада оширишнинг асосий йўли меҳнатга маҳсулот сони ва сифатига мувофиқ тарзда ҳақ тўлашни такомиллашиб боришдан иборат, деб ҳисоблайди. Бу эса ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантиришда қудратли стимул ва айни чоғда халқ оммасида меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш руҳини тарбиялашда муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Кейинги йилларда партия ва ҳукумат халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солиш ва ошириш борасида кўпгина тадбирларни амалга оширдилар. Саккизинчи беш йиллик давомида ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақларини 20 процент атрофида ошириш мўлжалланган эди, аслида эса у 26 процент ўсди. 1965 йилда ишчи ва хизматчилар ўртача 96,5 сўм иш ҳақи олган бўлсалар, 1970 йилга келиб, ойлик маош 122 сўмни ташкил қилди.

Ҳозирги беш йилликда бу борада яна бир катта қадам қўйилди. Ўтган йили ишчи ва хизматчиларнинг ўртача ойлик маоши 135 сўмни ташкил қилди. Врачлар, ўқитувчилар, болалар ва мактабгача тарбия муассасаларининг ходимлари, ўрта махсус, профессионал-техника билим юртлари, шунингдек, олий ўқув юртларининг илмий даражага эга бўлмаган ўқитувчиларининг маошлари ўрта ҳисобда 20 процент оширилди.

Съезд Директиваларида ишчи ва хизматчиларнинг энг кам маошини 70 сўм қилиб белгилаш, 90 сўмгача маош оладиган ходимларнинг солиқ ставкаларини қамайтириш мўлжалланган эди. Бу тадбирлар ҳам изчиллик билан амалга оширилмоқда. Умуман, тўқкизинчи беш йиллининг тўрт йили мобайнида 30 миллиондан ортиқ кишининг иш ҳақи кўпайди.

Кейинги йилларда партиямиз қишлоқ хўжалиги ходимларининг моддий манфаатдорлигини ошириш масаласига катта эътибор берялти. Беш йиллик планда кўрсатилганидек, шу йил охирига бориб, аҳоли жон бошига реал даромадларнинг умумий ўсиши 30,8 процентни ташкил қилган ҳолда колхозчилар даромади тахминан 1,4 баравар ошади. Кейинги йилларда пахта харид нархларининг оширилганлиги ҳам партиямиз ғамхўрлигининг ёрқин намунаси бўлди. 1975 йилдан бошлаб планга қўшимча тайёрланган пахта учун қўшимча ҳақ тўлаш белгиланди. Бу республикамиз пахтакорларининг қўшимча меҳнат ҳақлари 300 миллион сўмдан зиёд ошади, демакдир.

Партия ва ҳукуматимиз сиёсати меҳнаткашлар турмуш даражасини ошириш билан бирга аҳоли турли қатламларининг моддий таъминланганлик даражасини яқинлаштиришга ҳам қаратилгандир. Мамлакатимизда ижтимоий фондларнинг тўхтовсиз ошиб боришига алоҳида эътибор берилмоқда. Худди ана шу фондлар ҳисобига бепул медицина ёрдами кўрсатилмоқда, бепул ўқитилмоқда ва

Съездан съездгача

малака оширилмоқда, худди шу ҳисобдан нафақалар, пенсиялар, стипендиялар, отпуска ҳақлари, санаторий ва дам олиш уйларига бепул ва имтиёзли путевкалар берилмоқда, мактабгача ёшдаги болалар муассасаларида кичик-тойлар тарбияланмоқда.

Совет халқи фаровонлигининг ошиб бораётганлигини шундан ҳам кўриш мумкинки, йил сайин аҳолининг харид қилиш қуввати юксалиб бормоқда. Масалан, ўтган йили чакана товар оборот ҳажми яқин 200 миллиард сўмни ташкил қилдики, бу аввалги йилларгаги ўртача кўрсатгичлардан 50—60 миллиард сўм кўпдир.

Бизда уй-жой қуришнинг кенг программаси изчиллик билан амалга оширилмоқда. КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев таъкидлаганидек, шу беш йиллиннинг ўтган тўрт йили мобайнида 436 миллион квадрат метр ҳажмда уй-жой қурилди. Бу йил эса қарийб 11 миллион киши янги уй олади ёки уй-жой шароитини яхшилайди.

Ўтган ўн йил мобайнида Ўзбекистон пойтахтининг уй-жой фонди қарийб икки баравар кўпайди. Зилзиладан буён қарийб 8 миллион квадрат-метр уй-жой бунёд этилди. 2 миллионга яқин киши шу беш йилликнинг тўрт йили мобайнида ўз уй-жой шароитини яхшилаб олди.

Маълумки, социализм шароитида иш вақтини қисқартириш ва бўш вақтни кўпайтириш учун барча имкониятлардан файдаланилади. Бизда бўш вақт фақат ҳордиқ чиқариш учунгина эмас, балки ўқиш, илмий-техникавий ижодкорлик, касб маҳоратини ошириш ва ҳоказо мақсадларда фойдаланилади.

Бўш вақтнинг кўпайиши эса аввало, аҳолига хизмат даражасининг яхшиланиши ҳамда уй-рўзғор ишига кетадиган вақтни қисқартириш кабиларга боғлиқдир. Ана шу мақсадда мамлакатимизда аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш борасида катта тадбирлар белгиланмоқда. Жумладан, маиший хизматни халқ хўжалигининг техника жиҳатдан юксак даражада жиҳозланган йирик соҳасига айлантириш, механизациялашган ва автоматлашган корхоналар қуриш, хизмат кўрсатишнинг илғор формаларини жорий этиш, шу соҳада ишловчи ходимлар малакасини ошириш каби ишлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда қишлоқ садоматлигини сақлаш соҳасида ҳам тўқкизинчи беш йиллик планларида кўрсатилганидек, медицинани ривожлантириш, медицина муассасаларн қуриш, бу соҳа кадрларини тайёрлаш ва малакасини ошириш, жисмоний тарбияни янада ривожлантириш тадбирлари кўрилмоқда. Жумладан, республикамизда шу беш йилликда соғлиқни сақлаш соҳаларига ажратилган давлат капитал маблағлар ҳажми 175 миллион сўмдан зиёд бўлади. Қўшимча равишда 16 минг ўринли касалхоналар қурилиб 142,5 мингга етади.

Меҳнаткашлар дам олишини ташкил қилиш борасида ҳам муайян ютуқларга эришилди. Ҳозир ҳар йили санаторий, курорт масалаларида 40 миллионга яқин киши ўз саломатлигини мустаҳкамламоқда, 20—25 миллион кичкинтой пионер лагерлари ва бошқа болалар муассасаларида ёзги таътилини ўтказмоқда.

Совет кишилари шуни яхши биладиларки, улар ўзлари учун, бутун жамият учун меҳнат қиладилар. Буни тўлиқ англаш улар ижодий активлигини тобора оширмоқда, куч-ғайрат бағишламоқда. Миллионлаб кишиларнинг ташаббускорлиги асосида иш кўриш ҳозирги вақтда эришаётган улкан муваффақиятларимизнинг асосий манбаи бўлмоқда. Бутун мамлакатда тўқкизинчи беш йиллик планларини муддатидан илгари бажариш учун умумхалқ мусобақаси кенг авж олдириб юборилган. Меҳнаткашлар КПСС XXV съезди шарафига кам сарф билан кўпроқ сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш учун курашмоқдалар.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг стахановчилик ҳаракати қирқ йиллигига бағишланган Бутуниттифоқ илмий-партия конференцияси қатнашчиларига йўллаган мактубида айтилганидек, омманинг ижодкорлиги меҳнат мусобақасини тобора бойитиб, унинг форма ва мазмунини такомиллаштирмоқда. Ишчи эстафеталари, муқобил планлар, ёндош корхоналарнинг оммавий шартномалари, фан ва ишлаб чиқариш ходимларининг ҳамкорлиги, бригада, хўжалик ҳисоби, меҳнат унумдорлигини ошириш мақсадида қабул қилинган шахсий планлар, шахсий тежамкорлик счетлари, мураббийчилик ҳаракати — кейинги йилларда тўқкизинчи беш йиллик новаторларининг ташаббуси ва почини ана шуларни юзага келтирди. Эндиликда ўн минглаб совет меҳнаткашлари социалистик мусобақанинг қудратли ижодий кучга эга эканлигини ёрқин намойиш қилмоқдалар.

Партия ва ҳукуматимиз халқ оммасининг ана шундай юксак ижодкорлик ва унум билан меҳнат қилиши учун ҳамма имкониятларни яратиб бермоқда. Халқ фаровонлигини ошириш соҳасида эришаётган катта муваффақиятлар совет кишиларини жонажон Ватанимиз бахт-саодати йўлида янада яхшироқ меҳнат қилишга илҳомлантирмоқда, уларнинг кучғайрати, ташаббускорлигини янада оширмоқда.

З. ИУЛДОШЕВ,
тарих фанлари кандидати.

ЗАФАРЛИ ОДИМЛАР

КПСС Марказий Комитетининг «КПСС XXV съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа ўтказиш тўғрисида»ги қарори область саноат корхоналари коллективларининг ижодий активлиги ва ташаббускорлигини янада ошириб юборди. Натижада давлат планлари, муқобил планлар ва социалистик мажбуриятларни бажариш йўлида янги меҳнат зафарларига эришилди.

Съезд шарафига бошланган социалистик мусобақанинг олдинги сафида Тошкент шаҳар ва пойтахт областининг юзлаб саноат корхоналари ва ишлаб чиқариш бирлашмалари дадил одим ташламоқдалар. Улар ҳозирги кунларда тўқкизинчи беш йилликка мўлжалланган давлат планларини муваффақиятли адо этиб, коммунистлар анжумани шарафига янги мажбуриятлар қабул қилиб, зарбдор меҳнат вахтасини қизғин давом эттирмоқдалар.

Область саноатининг 1975 йил январь—сентябрь ойлари даги иш якуни шуни кўрсатмоқдаки, саноат ишлаб чиқариши умумий ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 10,4 процент ошди. Меҳнат унумдорлиги 6,7 процент юксалди.

Область шаҳарлари ва районларида ўтган тўққиз ой ичида маҳсулот реализация қилиш планининг бажарилиши, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва меҳнат унумдорлигини юксалтириш суръати қуйидагича бўлди:

	Январь — сентябрда реализация қилиш планининг бажарилиш проценти	1975 йил январь — сентябрида 1974 йил январь — сентябрига нисбатан процент ҳисобда: маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми	меҳнат унумдорлиги
Область бўйича жами	**103,8**	**110,4**	**106,7**
Шаҳарлар:			
Тошкент	104,0	110,3	106,6
Олмалиқ	100,2	110,8	109,7
Ангрен	104,4	113,6	111,2
Бекобод	105,5	114,4	97,5
Чирчиқ	101,8	109,1	106,7
Янгийўл	105,9	104,9	103,5
Районлар:			
Оққўрғон	108,1	108,5	114,8
Оҳангарон	104,3	113,6	109,9
Бекобод	108,6	102,4	101,4
Бўстонлиқ	108,5	110,8	104,5
Бўка	115,2	112,7	113,9
Юқори Чирчиқ	110,6	105,9	98,3
Калинин	108,1	110,5	104,5
Қуйи Чирчиқ	108,6	104,4	104,6
Оржоникидзе	90,4	114,1	100,5
Пискент	112,4	116,1	116,1
Ўрта Чирчиқ	104,7	120,8	112,3
Чиноз	111,3	115,1	114,3
Янгийўл	106,1	109,8	108,7

Саноат маҳсулоти реализация қилиш ҳажми бўйича тўққиз ойлик топшириқ Оржоникидзе районидан ташқари областнинг барча шаҳар ва районлари томонидан тўла ва ошириб бажарилди. Шу даврда 122 миллион сўмлик турли хилдаги саноат маҳсулотлари планга қўшимча реализация қилинди. Шу жумладан, Тошкент саноат корхоналари пландан ташқари 69,2 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилдилар. Шунингдек, бу кўрсаткич шаҳарлар бўйича Олмалиқда 0,6, Ангренда 3,0, Бекободда 4,9, Чирчиқда 5,1, Янгийўлда 7,0, районлар бўйича эса Оққўрғонда 2,0, Оҳангаронда 2,8, Бекободда 1,4, Бўстонлиқда 2,0, Бўкада 2,4, Юқори Чирчиқда 2,5, Калининда 2,9, Қуйи Чирчиқда 4,0, Пискентда 1,9, Ўрта Чирчиқда 2,3, Чинозда 2,5, Янгийўлда 6,9 миллион сўмни ташкил этди.

Кўпгина саноат корхоналари ишлаб чиқариш самарадорлиги ва меҳнат унумдорлигини узлуксиз ошириб бориш учун курашни кучайтириб техникавий-иқтисодий кўрсаткичлардан оқилона фойдаланиш ҳисобига 1975 йилнинг ўтган тўққиз ойига мўлжалланган социалистик мажбурият ва муқобил планларни муваффақиятли адо этдилар. Бекобод, Янгийўл шаҳарлари ва Бўка, Юқори Чирчиқ, Қуйи Чирчиқ, Пискент, Чиноз ва Янгийўл районларидаги саноат корхоналари шулар жумласидандир. Айрим корхоналар сентябрь ойида иш суръатини анча жадаллаштириб, ўтган ойларда йўл қўйилган қолоқликни тугатишга муваффақ бўлдилар. Айрим корхоналар эса саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришга фақат меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришдилар.

КПСС Марказий Комитетининг съездолди социалистик мусобақасини авж олдириш тўғрисидаги қарорида тўққизинчи беш йиллиннинг биринчи ярмида йўл қўйилган қолоқликни тугатишга фақатгина иккинчи ярим йилда жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилиш эвазига эришиш мумкинлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган эди. Тўққиз ойлик меҳнат якуни айрим корхоналар бу муҳим вазифанинг уддасидан чиқа олмаганликларидан далолат бериб турибди.

Реализация қилиш умумий ҳажми бўйича план бажарилган бўлса-да, айрим муҳим маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича тўққиз ойга мўлжалланган даражага эришилгани йўқ. Трансформатор, экскаватор, культиватор, минерал ўғит, синтетик ювиш воситалари, пахта тозалаш саноати учун технологик жиҳозлар ва эҳтиёт қисмлар, қурилиш ғишти, мебель, ўсимлик мойи каби маҳсулотлар шулар жумласига киради.

Олмалиқдаги рўзғор химияси заводи январь-сентябрь ойларида бирор марта ҳам ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми ва маҳсулот реализация қилиш планларини бажармади. Сергелидаги мебель комбинати ва темир-бетон буюмлари ҳамда конструкциялари заводи, Қибрайдаги пиво ва алкоголсиз ичимликлар комбинати, Собир Раҳимов районидаги темир-бетон буюмлари ва деталлари заводлари шу давр мобайнида мунтазам қолоқ корхоналар сафидан ўрин олиб келдилар. «Ташобсельстрой»га қарашли қурилиш материаллари комбинати, Олмалиқдаги ёғочни қайта ишлаш заводи, Чиноздаги норуда материаллар карьерида ойлик планлар катта қийинчиликлар билан бажарилиб, аввалги ойларда йўл қўйилган қолоқликнинг ўрни тўлдирилмаётир. Натижада бу корхоналар ҳам тўққиз ойлик планни бажаролмай қолдилар.

Тўққиз ойлик иш якунига кўра «Ўзбексельмаш», «Чирчиксельмаш» заводлари, «Тошкент» ишлаб чиқариш бирлашмаси, 2-пойафзал фабрикаси, «Далварзин» ва Оққўрғон пахта тозалаш заводлари ҳам қолоқлар сафига қўшилиб қолдилар.

Олмалиқ химия заводи, Чирчиқ трансформатор заводи, Ангрендаги йирик панелли уйсозлик комбинати, экскаватор заводи, Тошкент керамика комбинати ҳам сентябрь ойида ишни сусайтириб юбориб, натижада тўққиз ойлик планни бажармади.

Саноат ишида техникавий-иқтисодий кўрсаткичларни юксалтириш резервларидан ҳамма ерда ҳам тўла фойдаланилмаётир. Ишлаб чиқариш ҳажми ва меҳнат унумдорлигини ошириш, товар маҳсулотлари таннархини арзонлаштириш ва жамғарма фондини кўпайтириш, давлат планларини бажармаётган корхоналар ҳамон кўпчиликни ташкил этади. Маҳсулотларни белгиланган ассортиментда ва сифатли бўлишини таъминламаслик ҳоллари ҳамон учраб турибди.

Қолоқ корхоналар коллективлари мавжуд техника ва ишчи кучларини, ишлаб чиқаришнинг барча резервларини зудлик билан сафарбар этишлари лозим. Якунловчи йилнинг қолган қисқа даври ичида меҳнатни оқилона ташкил этиб, ўтган ойларда қўлдан бой берилган имкониятларнинг ўрнини тўлдириш учун зарур чора-тадбирлар белгиланиб, КПСС XXV съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олишга эришиш даркор.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ.

● «ТАШМЕТРОСТРОЙ» трестининг 2-қурилиш-монтаж бошқармаси коллективи «Комсомол» станциясини қурмоқда. Улар ҳозиргача 50 минг кубометр тупроқ қазиб чиқариб, 500 кубометр бетон ётқизишди. Суратларда: станция қурилишида. Пешқадам монтажчи Мамарасул Қаршиев.

Ж. Тўраев фотолари.

ЖИЛОЛАР АКСИДА ҚАЛБ ҚЎРИ

Тушки танаффусдан сўнг бинокорлар ярораб хонасига тўпланиб бошладилар.

Маҳбуба дераза ёнига ўтириб, қаршисидаги тўрт қаватли бинога маҳлиё бўлиб қолди. Ҳали қотиб улгурмаган бўёқлари қуёш нурида рангба-ранг тоғланаётган бу бино гўё: «Менинг мана шу нозик жилоларимда сенинг нозик бармоқларинг изи бор. Ҳа, мен ўз жамолимни эмас, сенинг кўз нурингни, қалб қўрингни кўз-кўз қилаётирман», деяётгандек эди.

«Эрта-индин бу уйни ҳам эгаларига топширамиз. 62 оила шод-хуррамлик билан уй тўйларини ўтказишади»... Одамларнинг лабларида табассум, юзларида қувонч порлашида ўзининг ҳам озми-кўпми хизмати борлигини дилидан ўтказган Маҳбубанинг қўнгли анча равшан тортди.

М. Сатторова касб танлашда янглишмаганлигини таъкидлаб, ҳар доим мавзу бўлиб юради. Айниқса, қурилишга ҳеч қандай касб-ҳунарсиз келган қизнинг Меҳнат Қизил Байроқ ордени бригадир Каримжон Муслимовдек донгдор суворовчига шогирд тушгани айни муддао бўлди. Тажрибали қурувчи бу тиришқоқ қизни ўз касбининг ҳақиқий устаси қилиб тарбиялашга жиддий киришди. Бунга жавобан Маҳбуба ҳам устозининг сажъаткорона ишларини диққат билан кузатиб борар, унинг ишдаги кўз илғамас нозик сирларини тезда пайқар ва ўзи ҳам шундай қилишга интилиб кучли ҳавас билан меҳнат қиларди. У қисқа вақт ичида мустақил ишлашга ўтиб, ҳамкасбларидан қолишмайдиган бўлди.

Ана шу дастлабки кунларнинг бирида тушлик танаффус пайтида бригада аъзолари «Эркаклар аёлларга нисбатан тезкор, чаққон ва сифатли меҳнат қилишади» деган мазмунда баҳслашиб қолдилар. Аввалига ҳазил-мутоиба тарзида бошланган бу баҳс ажойиб мусобақанинг юзага келишига сабаб бўлди. Бригада бошлиғининг таклифи билан ўзаро қисқа муддатли мусобақа ўтказишга келишилди. Яқинда қурувчилардан қабул қилиб олинган бино хоналари пардоз бериш учун бригада аъзолари ўртасида тенг тақсимланади.

Бу мусобақа Маҳбуба учун биринчи синов эди. У бир хонали секцияни икки иш кунида сифатли пардоздан чиқариб бригададошларининг баҳсларига иш билан жавоб берди...

Энди Маҳбуба биноларга сифатли сайқал беришда кўпгина тажрибали ҳамкасбларини ҳам ортда қолдирган, ўз касбининг чинакам устаси сифатида танилган бинокордир. У фақат ишнинг сифатигина эътибор бериб қолмай, иш вақтидан унумли фойдаланиб, беш йиллик зарбдорлари сафидан ўрин олиш учун ҳам астойдил қурашаётир. Шахсий беш йиллик планини ўтган йилнинг март ойидаёқ тўла бажариб, коммунистик меҳнат зарбдори деган шарафли номни муваффақият билан оқлади.

Республикамиз бўйлаб кенг қулоч ёзаётган тўртлар ташаббуси Маҳбуба Сатторовани ҳам янги меҳнат ғалабалари сари илҳомлантирди. У КПСС XXV съездига муносиб меҳнат совғаси тайёрлаш учун кунлик нормасини 1,5 ҳиссадан ошириб бажаришга эришаётир. У қурилишда узоқ йиллар ишлаб катта тажриба орттирган уста суворовчи Абдураим Отажоновни социалистик мусобақага чақирган. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра у мусобақадошидан қолишмаётир. Ҳатто мусобақанинг айрим муҳим шартлари бўйича А. Отажоновдан устун келмоқда.

Каримжон Муслимов бошлиқ суворовчилар бригадаси КПСС XXV съезди шарафига оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилишган. Айни кунларда улар Тошкент медицина институти массивида 770 ўринли студентлар ётоқхонаси биносини сифатли пардоздан чиқармоқдалар. Бунда ўнинчи беш йиллик ҳисобига меҳнат қилаётган Маҳбуба Сатторова ва унинг издошлари бўлган Суҳроб Аҳмедов, Мария Малицкая, Александра Суфиёровалар ўзларининг тез ва сифатли ишлари билан бошқаларга намуна бўлмоқдалар.

Ҳ. ЗАИНУДДИНОВ.

КУН ТАРТИБИДА—ОБУНА

Газета ва журналларга обуна қилиш бўйича Тошкент область партия комитети штабининг мажлиси бўлиб ўтди.

Унда Тошкент область ва шаҳар «Союзпечать» агентликлари бошлиқларининг келгуси йил учун газета ва журналларга обунанинг бориши тўғрисидаги ахборотлари тингланди. Шунингдек, обунани қўнгилдагидек олиб бормаётган Бўка, Калинин, Киров, Чилонзор районлари партия комитетлари секретарлари ва «Союзпечать» район агентликлари бошлиқларининг ҳисоботлари эшитилди.

МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАЙМИЗ

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Қишлоқ ўрта ҳунар-техника билим юртлари тармоқларини кенгайтириш ва уларнинг ишларини яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қароридан сўнг ўтган даврда республикамизда бу соҳада бирқанча ишлар амалга оширилди. Қишлоқ ҳунар-техника билим юртлари сони янги ўқув йилида 40 тага етди. Ўнинчи беш йилликка келиб янада кўпаяди.

1974 йилда Калинин райони территориясида 68-қишлоқ ҳунар-техника билим юрти очилди. Районда биринчи ва ягона бу билим юртига «Келес» совхози маъмурияти катта клуб биносини, қўш блокли икки турар-жой комплекси ва 100 ўринли ётоқхона биноларини ажратиб берди. 75 ўринли ошхона ва машғулот ўтказиш учун автодром қурилди.

Билим юртига 1974-75 ўқув йилида дастлаб уч касб бўйича учинчи класс тракторчилари, мева ва сабзавотчилик усталари ва электромонтёр ихтисосларига 180 ўқувчи қабул қилинди. Сўнгра бу ерда автоматик сут соғиш усталари тайёрловчи саккиз ойлик курс очилди. Қисқа вақт ичида областимизнинг турли районларида тўрт жойда филиаллар ташкил этилди.

Билим юртимизнинг коллективи республика ёш механизаторлар съездининг бу йил «100 минг механизатор» тайёрлаш» тўғрисидаги Мурожаатига жавобан 120 ўрнига 210 нафар механизатор тайёрлашга аҳд қилган.

Билим юртимизнинг ўқувчиси А. Ғозибоев Тошкент области қишлоқ ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг ер ҳайдаш бўйича ўтказилган конкурсида қатнашиб, фахрли 3-ўринни олди. Н. Умаржонов, Ш. Иўлдошев, М. Муллажонов ва А. Омонов каби аълочи ўқувчилар ўртоқларига ўрнак бўлишаяпти. Бу йил 12 нафар аълочи ўқувчига турли олий ўқув юртларига ва индустриал техникумига кириш учун йўлланма берилди.

1975—76 ўқув йилида билим юртимиз тўрт касб бўйича 300 мутахассис тайёрлайди. Келгусидаги планларимиз ҳам катта. Ўнинчи беш йиллик охирида етти касб бўйича ҳар йили 800—900 нафарга яқин мутахассис тайёрлаш қўзда тутилган. «Келес» совхози маъмурияти ўз территориясида шу кунларда саккиз гектар ер ажратиб берди. Бу майдонда 650 ўринли типовой комплекс бино қад кўтаради. Янги комплекс 150 ўринли ошхона, ётоқхона, спорт майдончаси, трактор-машина парки ва замонавий жиҳозланган ўқув лабораторияларига эга бўлади. Бундан ташқари, 50—60 гектар ерда ўқув-тажриба участкаси ташкил этилади.

Олдимизда турган улкан ва шарафли вазифаларни адо этиш колхоз ва совхозларга малакали ишчи мутахассислар етказиб бериш учун барча куч ва имкониятларни сафарбар этишга ҳаракат қиламиз.

И. АЗЛАРОВ,
68-қишлоқ ҳунар-техника билим юрти директорининг ўринбосари.

Қишлоқ хўжалик институти талабалари ўқув йилини янги корпусда бошлаган эдилар. Замонавий усулда қурилган бу ўқув корпуси ҳар томонлама қулайлиги билан студентларга маъқул бўлди. Суратларда: ўқув корпусининг ташқи кўриниши ва доцент Мирахмад Муҳамедов сабзавотчилик факультети талабаларини сабзавот турлари билан чуқур таништирмоқда.

А. Абалян фотолари.

УМРНИНГ ОЛТИН ҚИРРАЛАРИ

...1919 йил, 18 январь. Туркистон республикаси Ҳарбий кенгаши мажлиси узоқ чўзилди.

Осиповнинг Тошкент қалъасидаги ишончли Қизил гвардияни фронтларга тақсимлаш тўғрисидаги талабида қандай ҳийла ётганлигини Совет аъзолари Цируль, Белов, Дуньков ҳали сезишмасди. Лекин, улар турли қисмларда тўпланган иккинчи полкни бир оз муддат синаб кўришни таклиф этишди. Туркистон республикаси ҳарбий комиссари Осиповга бу гап ёқмади. У чўрткесди:

— Гап тамом. Буйруқ буйруқлигича қолади. Бажармаган ўртоқлар революцион трибунал олдида жавоб берадилар.

Олдин Осипов, унинг орқасидан комендант Колузаев чиқиб кетди.

Совет аъзолари анчагача маслаҳатлашиб ўтиришди. «Қалъадан аскарлар олиб чиқиш ва киритиш фақат Вотинцев ёки Фигельский билан бамаслаҳат бўлсин»— деган Дуньков таклифи ҳаммага маъқул тушди.

Тушдан кейин кор бўралаб ёға бошлади. Кечқурун Фёдор Желтиков навбатдаги қўриқчиларни алмаштиришга тайёрланаётганда телефон жиринглаб қолди. Трубкани олса, дарвозадаги соқчи экан.

— Ўртоқ Желтиков, биз портловчи моддалар кўтарган бир неча кишини эшик тагида тутиб олдик. ЧКга телефон қилсак жавоб бермаяпти,— деб соқчи ахборот берди.

Фёдор қалъа комендатурасига югурди. Йўлда беш-олтита қуролли кишига рўбарў келди. Оқ гвардиячилар! Фёдор тўпончасига қўл чўзган ҳам эди, орқасидан кучли зарба еб йиқилди. Кўз олди қоронғилашиб хушидан кетди.

Фёдор эртасига камерада кўзини очди. У ерда кўпгина сафдошлари ҳам бор эди. Осипов хоинлик қилиб, қалъа оқ гвардиячилар қўлига топширилди. У большевиклардан қаттиқ ўч олишармиш, деган гаплар тарқалди. Фёдор ташвишланиб қолди. Кўкрак чўнтагидаги партия билетини хоинлар қўлига топширгиси келмасди. Ахир, бу билетни Фёдор салкам уч йилдан бери юрагининг устида сақлаб келади. Билет олганида Ашхободда оддий аскар эди. Биринчи партиявий топшириқлар ҳали ҳали ёдида...

* * *

Фёдор Ашхобод ҳарбий мактабида ўқиб юрган кезларида яширин большевиклар группасининг раҳбари Анисимов ва группанинг бошқа аъзолари билан танишди. Улардан большевистик варақа, газеталар олиб аскарлар орасида тарқата бошлади. Бу соҳада анча тажриба орттирди. Ниҳоят, ўқиш туғади.

Фёдор Марвга, ўз полкига қайтиб борарди. Бор-йўқ мулки бир қопчик, лекин, жуда қиматли. Унинг сирини фақат Фёдор билади. Қопчиққа чоризмнинг ағдарилгани ҳақида варақалар солинган. Уларни 6-полкка, қўшни 5-полкка тарқатиши керак. Ҳали Туркистон аскарлари бу хабарни эшитишмаган: офицерлар яшириб туришибди.

Фёдор таниш манзараларга кўзи тушгач, ҳаёлини йиғиб олди: «Қадрдон Мерв» деб пичирлади Фёдор. Мана, кўзлари олакула, ялғиз пиджакли бир киши Фёдорни қўлидаги «бисотин»га еб қўйгудек тикилиб, вагон эшигига караб ўтиб кетди. Ўғри бўлса керак. Қопчиқда унга керакли ҳеч ваҚо йўқлигини билса-ку, бундай қилмас эди. Ва чора?

Паровоз бир-икки оғир пишиллаб, вокзалда тўхтади. Вагонлар эшигидан йўловчилар туша бошлади. Фёдор кўзи вокзал атрофини ўраб олган аскарларга тушди. Келувчиларни бир бошдан текшириб ўтказишяпти. Ён чўнтагидан мактаб берган йўлланмани олди ва тўғридаги аскар ёнига борди. Аскар йўлланмани ўқий олдими-йўқми, номаълум, фақат, «Қариндош, Ашхободда нима гаплар?.. Қопчиғингда егулик нарсанг борми?» деб сўради.

— Оғайни, егулик нарса нима қилсин! Хўп, дегани эски пайтаваю ўтган йилги ойим юборган қишки пайпоқ бор. Берайми?

— Қўй, ўзингга ҳеч нарса қолмас экан!

Фёдор вокзал биносидан ўтиб, катта кўчага чиқди.

* * *

— Желтиков Фёдор. 1917 йилдан РСДРП аъзоси. Ишчидан чиққан. Полк муваққат революцион комитети раисининг ўринбосари бўлсин, деган ўртоқлар кўл кўтерсин.

Ғала-говур бўлиб кетди. Ҳозирча минбар ўрнини ўтаётган тўрт ғилдиракли арава силжиганга ўхшаб туюлди Фёдорга. Лекин, арава қимирламаган эди. Ҳижолатдан аъзойи баданидан тер чиқиб кетди. «Нега бундай бўлди экан-а!»

Аравада беш киши бор эди. Ҳозиргина полк комитетининг раиси қилиб сайланган офицер Агибалов, оддий аскар Глебов ва Фёдор яхши танимаган яна икки аскар.

Пастдагилар орасида кимдир чийиллоқ овозда қичқирарди. Фёдор овоз эгасини ахтарди, бу сариқ мўйловли, ориққина поручик эди.

— Сен бизга исми-фамилиясини айтиб юрма. Таги зотини ҳам қўявер. Унинг қайси партиядан, шунисини айт. Меньшевикми, большевик?

Сайловни олиб бораётган малла соч аскар Фёдорга ўгирилди. «Қизиқ,— ўйларди Фёдор,—Агибаловни қайси партияданлигини сўрашмади. Нега энди, менга тихирлиқ қилишади?»

— Ўртоқ Желтиков, большевиклар партиясидан.

— Ўҳ-ҳу, тағин бошимиз балога қолар экан-да,— минбардан уч қадамча нарида турган, заҳил юзли поручик ёнидагига гапирди.

Фёдор сайлов натижасини сабрсизлик билан кутарди. «Сайлаймаса ҳам майли, тезроқ комитет тузиб олинса бас».

— Ким тарафдор!— малла соч аскар номзод учун қўл кўтарганларни санай бошлади.— Бир-икки, уч... тўрт, беш... ўн... Ким қарши? Бир, икки, уч...

— Ким бетараф? Йўқ. Хўш, сайлов натижасини маълум қиламан. Тарафдорлар 60 процент, қаршилар — 40 процент. Ўртоқ Фёдор Желтиков полк комитети раисининг ўринбосари қилиб сайланди. Янги сайланган комитет аъзолари — Агибалов, Желтиков, Глебов— полк комитети учун мўлжаллаб қўйилган хонага йўл олдилар.

Эртасига комитет аъзолари баъзи масалаларни муҳокама қилиш учун тўпландилар. Жумладан, полкка ким раҳбарлик қилади? Полковникми ё комитет? Ҳарбий дала судини қайта тузиш зарурми, йўқ?

Раис Агибалов — полкка комитет раҳбарлик қилсин, деб таклиф киритди. Бир овоздан маъқулланди. Иккинчи масала — суд ҳайъати хусусида жиддий тортишув бошланди. Агибалов, икки аскар ва икки офицердан иборат суд таркибига қарши чиқди. «Аскар, барибир аскар, бундай эътиборли жойда фикрсизлик қилади. Унинг устига, офицер ишини муҳокама қилишга ҳаққи йўқ», деди.

Фёдор раис гапларидаги оддий аскар шаънига айтилган ҳақоратга чидолмади:

— Унда, бу ерда мен ҳам, Глебов ҳам ўтириши мумкин эмас. Биз оддий аскармиз.

— Кечирасиз,— бирдан қизариб кетди Агибалов,— ундай демоқчи эмасдим. Хоҳишларинг, таклифларингга овоз бермайман, холос.

Икки овоз билан суд ҳайъати таркиби тасдиқланди. Йиғилиш тугагач, Глебов билан Фёдор комитет буйруқларини ёзиш учун хонада қолди. Агибалов комитет таклифини полковникка етказиш учун кетди. Тушдан кейин казарма эшиги ёнидаги эълонлар бурчагида «Олтинчи полк инқилобий комитети буйруқлари» деган илк варақалар пайдо бўлди.

Фёдор бу кунларни шундай қизғин ўтказдики, ҳаш-паш дегунча баҳор чиқиб, ёз келганини сезмай қолди. Шаҳар Советининг раиси ва қўлгина аъзолари меньшевик эди. Натижада, Ашхобод большевиклар группасининг фаолияти оғирлашиб борарди. Шаҳар Советининг большевик аъзолари таъқиб қилина бошланди. Шу жумладан Фёдор ҳам полкда чинакам ўзгаришлар қилишга эришолмасди. Ёз охирларида шаҳар большевиклар группаси унга янги партиявий топшириқ берди. «Москвадан, большевик ўртоқлардан йўл-йўриқ олиб келасан», дейишди.

Йўлга тушди. Поезд тўхтаган ҳар бир шаҳарда ҳужжат текширилар, йўлларда бир неча кунлар қолиб кетарди. Қийинчиликлар билан бўлса ҳам, октябрнинг ўрталарида Москвага кириб борди. Қадрдон шаҳар кўчаларида ҳаёт қайнайди. Фёдор илгари яшаган уйига борди, унга янги сила кўчиб кирибди. Афсус билан орқага қайтаётганда, бир вақт фабрикада ёнма-ён ишлаб, варақа тарқатиб юрган эски дўсти Родионовга дуч келди. Кучоқлашиб кўришдилар. Инқилоб хусусида гаплашдилар.

Шунда Родионов:

— Фёдор, сен қайси биридасан,— деди.

— Большевик.

— Афсус,— Родионов хомуш бўлиб қолди.— Мен у томонда. Адашибсан, Россияни фақат меньшевикларгина ҳалокатдан қутқара олади.

— Дўстим,— деди Фёдор,— Россияни ким қутқариши масаласини қўй турайлик. Завод, фабрика — ишчига, ер—деҳқонга! Шиор кимники? Мана шу шиор амалга ошсагина, қил устида турган ҳаёт ўзини сақлаб қолади. Миллионер хўжайинларинг эса, сандиғида чириб ётган пулни сен ёки сенга ўхшаганлар учун ўлиб қолса сарфламайди.

Фёдор Москвада декабргача қолиб кетди. Октябрь инқилоби кунларида Замоскворечье қизил гвардиясига кирди. Декабрда, Москвадаги РСДРП большевиклар комитетидан йўл-йўрик, турли адабиётлар олиб, яна Марвга қайтди.

...Кечки пайт, Москва вокзалида Ашхободга кетадиган поездни кутиб турганда, тасодифан Родионов билан учрашиб қолди. Родионов яхшигина кийиниб олган. Фёдорга яқинлашаркан, асабий гапирди:

— Ҳа, дўстим, ютдиларинг. Энди, бизнинг ҳолимиз ҳина кечди, худо билади. Ҳозиргина катта бошлиғимизни (кимни назарда тутаётганини Фёдор аниқлай олмади) йўлга кузатдим.

— Қўйсанг-чи. Яхшиси, большевиклар сафига кир. Ҳали ҳеч эмас. Хатойингни тан олсанг бўлгани.

— Йўқ, Фёдор, буни ўйлаб кўриш керак. Мен ишчи эдим. Агар тинч қўйсалар, яна ўз соҳамга қайтаман. Ҳеч қандай ташкилотга кирмайман.

Вокзалда одам тирбанд. Шундай бўлса ҳам, Фёдор дўстининг қоресини анчагача кўздан йўқотмади. Жуда тез қарибди. Олдинга эгилиб юрадиган бўлиб қолибди. Афсус, ўшанда Фёдор Родионов билан ёнма-ён ишлайверганда, дўстининг адашувига йўл қўймасмиди?

...Фёдор Никифорович ўз хотираларини ҳикоя қилар экан, ҳоҳ-ҳоҳ ҳаяжонланиб кетади, ҳоҳ-ҳоҳ кўзига ёш олади. Ҳа, умр йўлида ҳаяжонли воқеалар, ташвишли дамлар кўп бўлди. Бу—умр кўрашдан иборат. Қанчадан қанча содиқ дўстлари инқилоб оларида ҳалок бўлишди. Бугунги кундаги бахт—иқбол учун муқаддас қонларини тўкишди.

У 1917 йил декабрида Марвдаги Қизил гвардияга сиёсий комиссар қилиб тайинланди. Инқилоб душманлари: оқ гвардиячилар, босмачилар, Бухоро амирлиги сипоҳлари билан жанг қилди. Қатор масъулиятли ҳарбий операцияларда шижоат кўрсатди, 1924 йилдан бошлаб ГПУ органларида ишлади. Кейинчалик Узбекистон ССР Олий суди аъзоси ва аксилинқилобчилар ишини кўрувчи махсус группа раиси лавозимида фаолият кўрсатди. Пенсияга чиққунича у «Узбекэнерго»да бўлим мудирининг ўринбосари вазифасида меҳнат қилди. Коммунистик партия ҳаётнинг қайси жабҳасига йўлламасин, ҳалол хизмат қилишга интилди. Кўкрагини безаб турган қатор орден ва медаллар ана шу меҳнатининг самарасидир.

— Мен,— дейди Фёдор Никифорович,— ўзбек халқининг, кўпгина атоқли фарзандлари билан ишладим. Низомиддин Хўжаев каби чинакам инқилобчи, М. Миршароповдек талантли саркардаларни кўрганман. Улардан кўп нарса ўрганганман. Айниқса, Йўлдош Охунбобоев, Усмон Юсуповларнинг оталарча ғамхўрлигини сира-сира унутмайман.

Фёдор Никифорович хотиралари оғушида бир дам тин олади. Бировга сўзлаб бергудек, эсласанг, кўнглингга қайта шижоат солгудек кечмишларинг қанча кўп бўлса, умринг зое кетмаганини сезасан.

Лазиз АЗИЗЗОДА,
революция ветерани.

ДУНЁ ОВОЗИ
чет эл хабарлари

ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДА

ЛИССАБОН. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг Португалия президенти Ф. Кошта Гомеш билан учрашувига бу ерда жуда катта воқеа деб баҳо бермоқда. Бу учрашув Совет—Португалия муносабатларини янада ривожлантириш учун ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Пойтахтда чиқадиган ҳамма газеталар, радио ва телевизион станциялари учрашув ҳақида хабар бердилар. «Диариу ди нотисиаш» газетасининг таҳриридаги ёзишича, Л. И. Брежневнинг Ф. Кошта Гомеш билан учрашуви «тарихий аҳамиятга эга. Бу учрашув халқаро кескинликни юмшатишга ва турли соҳаларда Совет—Португалия ҳамкорлигини кенгайтиришга ёрдам беради». Бу учрашув, деб таъкидлайди газета, «Португалия учун социалистик мамлакатлар билан дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш йўлини очиб беради».

Матбуот Совет—Португалия ахборотини, Совет-Португалия декларациясини ва бошқа ҳужжатларни батафсил баён қилади. «Диариу ди нотисиаш» газетаси бу материалларни «Икки мамлакат ялпи тинчликни биргаликда ҳимоя қилиб чиқмоқда» деган сарлавҳа остида эълон қилган.

«Секулу» газетаси бу визитни «Португалия учун тарихий ва ғоят муҳим визит» деб атайди. «Диариу ди лижбоа» газетасининг ёзишича, Ф. Кошта Гомешнинг Совет Иттифоқи раҳбарлари билан олиб борган музокаралари Португалия билан Совет Иттифоқи ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришда тарихий босқич бўлиб қолади.

ЛУИС КОРВАЛАН ОЗОД ҚИЛИНСИН!

ПАРИЖ. Ҳарбий-фашистик хунта Чили Коммунистик партиясининг Бош секретари Луис Корваланни ва халқ бирлигининг бошқа тарафдорларини суд қилишга махфий тайёргарлик кўрмоқда. Франция Коммунистик партияси ана шу судни қаҳр-газаб билан қоралади.

Француз коммунистларининг бу ерда эълон қилинган баёноти ер юзидаги барча демократларни, соф виждонли барча кишиларни суд тайёргарлигига қарши чиқишга, Луис Корваланни ва унинг ўртоқларини дарҳол озод қилишни талаб этишга даъват қилади.

ОСЛО. Норвегия ёшлари Чили ҳарбий хунтасига лаънат ўқимоқдалар, дейилади Норвегиядаги бир қанча ёшлар ташкилотларининг бу ерда тарқатилган қўшма баёнотида. Хунта инсон ҳуқуқларини доим поймол этиб келмоқда. Чили халқининг энг яхши намояндалари отиб ташланди ёки турмаларга қамаб қўйилди. Биз, деб таъкидлаб ўтилади баёнотда, Луис Корвалан ва бошқа сиёсий маҳбуслар озод қилинсин, деб талаб этамиз.

(ТАСС).

ПОРТУГАЛИЯ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ БАЁНОТИ

ЛИССАБОН, 6 октябрь (ТАСС). Португалия президенти Ф. Кошта Гомеш Совет Иттифоқи ҳамда Польша Халқ Республикасига қилган расмий визитидан кейин ватанига қайтиб келиб баёнот берди. У ўз баёнотида жуда самимий қабул қилганликлари учун КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневга ва Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Э. Герекка, Совет Иттифоқи ҳамда Польша Халқ Республикаси халқларига ташаккур изҳор қилди.

Ф. Кошта Гомеш таъкидладики, тамомланган визитлар Португалиянинг Польша ва Совет Иттифоқи билан муносабатларини кенгайтириш учун ғоят катта аҳамиятга эга, деб ҳисоблайман.

Визит чоғида Совет Иттифоқи билан Польша халқларининг ўз мамлакатларини бундан кейин ҳам тараққиёт йўлидан, моддий ва социал фаровонликни ошириш йўлидан ривожлантиришни астойдил истаганликлари менда жуда катта таассурот қолдирди.

Ф. Кошта Гомеш Л. И. Брежневни, Н. В. Подгорнийни, шунингдек Польша раҳбарларини Португалияга таклиф қилганлигини ва бу таклифлар қабул қилинганлигини айтди.

ВДР. Она-Ватанларида тинчлик ўрнатилганлигининг йиллиги кунларида вьетнамликлар чеҳраси қувончдан ёришган. Август революцияси ва Вьетнам Демократик Республикаси ташкил бўлганлигининг 30 йиллиги муносабати билан ўтказилган байрам тантаналари айниқса қувончли бўлди.

Суратда: вьетнамлик қизлар Ханойдаги байрам кунларида.

А. Минеев фотоси. ТАСС фотохроникаси.

ҚЎШИНЛАР ОЛИБ КЕТИЛА БОШЛАНДИ

ҚОҲИРА, 6 октябрь. (ТАСС). Миср матбуотининг хабар қилишича, кеча 1967 йилги уруш вақтида Исроил босиб олган қадимий Миср территорияси — Синай ярим оролидаги Абу-Рудайс нефть конлари районидан Исроил қўшинлари олиб кетила бошланди. Бу иш Синай ярим оролидаги қўшинларни бириданий йироқлаштиришнинг иккинчи босқичи тўғрисида Миср—Исроил битими асосида амалга оширилмоқда.

Сувайш кўрфазининг шарқий соҳилида жойлашган нефть конларига Американинг «Мобил ойл» компанияси мутахассислари келдилар. Улар Миснинг топшириғига биноан шу нефть конларини Исроилдан қабул қилиб оладилар.

Қўшма Штатлар Абу-Рудайс нефть конларидан олиб келинаётган нефть миқдорига тенг келадиган нефтни Исроилга бериш мажбуриятини ўз зиммасига олгандан кейингина Тель-Авив Абу-Рудайс зонасидаги ўз қўшинларини олиб чиқиб кетишга рози бўлди. Абу-Рудайс конларидан йилига 5 миллион тонна нефть олинар эди. БМТ хавфсизлик кенгашининг 1967 йил ноябрида қабул қилинган қарори 1967 йилги уруш давомида Исроил босиб олган Араб территорияларининг ҳаммасидаги Исроил қўшинлари дарҳол олиб чиқиб кетишни талаб қилганлиги яхши маълум бўлсада, Тель-Авив Абу-Рудайс районидан ўз қўшинларини олиб кетаётганлигини Яқин Шарқдаги можарони бартараф этиш соҳасида ён бериш деб кўрсатишга уринмоқда.

БОСИЛГАН МАТЕРИАЛЛАРИМИЗ ИЗИДАН

ЯНА СУВ ҲАҚИДА

Газетамизнинг шу йил 6 май сонида «Сансалорликнинг чеки борми?» сарлавҳали мақола билан Тошкент шаҳри атрофидаги Оржоникидзе ва Калинин районлари аҳолисини сув билан таъминлаш ишлари ёмон аҳволда эканлиги қаттиқ танқид қилинган эди. Хўш, ўтган тўрт ойдан ортиқ вақт мобайнида қандай ўзгаришлар юз берди?

Қисқа қилиб айтганда, ҳеч қандай ижобий ўзгариш юз бермади. Эслатиб ўтамиз, республика Қишлоқ хўжалик министрлиги шаҳар атрофи зонасини сув билан таъминлаш бўйича ремонт-эксплуатация бошқармасини тузди. Бу бошқарма сув ўтказиш трассасининг 53 километри бўйлаб жойлашган поселкалар, совхозлар, колхозлар аҳолисини истеъмол суви билан таъминлашни тартибга солиши керак. Аммо...

Аммо бошқарманинг шу қисқа давр ичида алмашган ҳар икки бошлиғи ҳам сув «савдо-сотиғи» билан шуғулланиб ва ўз мансабларини суиистеъмол қилганликларди учун ишдан олиндилар. Бошқарма аппарати қонунсиз операциялар билан шуғулланган ходимлардан жуда секин тозаланмоқда. Оржоникидзе район ижроия комитети штатни малакали ходимлар билан тўлдиришга эътибор бермаяпти.

Амалдаги қоидага кўра аҳоли поселка кўчаларига ўрнатилган колонкалар сувидан фойдаланиши керак. Бироқ, кўп кишилар бошқарманинг «кўнгли бўш» ходимларини қандайдир йўллар билан юмшатиб, водопровод сувини ҳовлиларига буриб олганлар. Истеъмол суви билан дарахтлар ва полиз экинлари суғорилаётир. Натижада, қувурдаги босим камайиб, тармоқ давомидаги аҳолига ичимлик суви етмай қолмоқда.

Қодирия сув омборига ҳамон дифмонометр — расходомер ўрнатилмаганлиги сабабли сув трассасига ҳисобсиз, ўлчовсиз сув оқаётир. Бу эса ҳар икки идора ўртасида чексиз бахс ва қоғозбозликка сабаб бўлмоқда. «Маданият», «Октябрь» колхозлари ва бошқа бир қанча хўжаликлар сув трассасидаги жўмрак ва контроль «қулоқ»ларни ўз ҳолларича мослаб белгиланганидан ортиқча сув олмоқдалар. Бундай хўжасизликка Михайловский, Куйбишев, Май ва бошқа посёлка Советлари сувдан тўғри фойдаланишни тартибга солиш ўрнига четдан томошабин бўлиб турибдилар.

Ер машмашалар трассанинг биринчи навбати — 16 километргагина тааллуқли. Эндиликда иккинчи ва учинчи навбатлар ҳам битиш олдида турибди. Бироқ, «Сельтрансспецстрой» трестига қарашли 5-СПМУ ва «Ташводоканал» трести (бошқарувчиси М. Хўжаев) раҳбарларининг масъулиятсизлиги оқибатида трассанинг иккинчи навбати зонасидаги саккиз посёлка аҳолиси ва хўжаликлар сув билан таъминланмаётир. «Водоканал» бу борадаги ўз мажбуриятларини бажармаяпти. Иккинчи навбат эксплуатацияга топширилгани билан ноқ иш юришиб кетмайди, чунки берилаётган сув ҳажми жуда кам. Бир кеча-кундузда 25 минг кубометр сув бериш учун янги «18-НДС» насосларини ишлатиш лозим.

Группали сув узатиш трассасининг учинчи навбати қурилишида суръат паст. Бош пудратчи — Ўзбекистон ССР Қишлоқ қурилиши министрлигига қарашли 23-трест (бошқарувчиси Т. Акрамов) олдинда ҳеч қандай тўсиқ йўқлигига қарамай ҳанузгача «Назарбек» совхози яқинидаги темир йўл ва Рамадан каналидан магистрал қувур ўтказишга киришмаган.

Калинин районидаги посёлка ва хўжаликларида сувни қабул қилиб олишга етарли тайёргарлик кўрилмаётир. Район ижроия комитети эса бунга бепарволик билан қарамоқда. Яйлов-мелиоратив трестининг механизациялашган қурилиш бошқармаси хўжаликлардаги водопровод тармоқларини барпо этишда сусткашликка йўл қўймоқда. Керакли воситалар (катод станциялари, электрод ва қарийб ўн минг метр кабель) буюртмачи — «Главжирпром» қошидаги қурилиш дирекциясининг айби билан трасса қурилишига етказиб бериш чўзиб юборилди. Оқибатда, трасса биринчи навбати электр-кимё ҳимояси воситаларисиз ишлатиляпти.

Бизнингча, қурилиш бўйича буюртмачилик ҳуқуқи ишлатувчи ташкилотга олиб берилиши катта аҳамиятга эга. Чунки, дирекция иш муддати ва сифати учун пудратчилар олдига жиддий талаблар қўйишда масъулият кўрсатмаяпти. Бу ишда тўғридан-тўғри контакт ўрнатиш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрининг ўринбосари ўртоқ Ҳидоятхонов редакцияга юборган хатида бу масала келаси йилнинг бошида ҳал қилинишини хабар қилган. Бизнингча, бу муддат жуда кеч.

Икки оғиз гап Бўстонлиқ парандачилик фабрикасининг сув таъминоти ҳақида. Бу муҳим масала олти йилдан бери очиқлигича қолиб келмоқда. Шу кунларда ҳам фабрикага сув фақат кечаси, жуда кам бериляпти. Агар фабрикага керакли миқдордаги сув тўппа-тўғри Қодирия сув омборидан узатиб берилса-чи?

Шуни ҳам айтиш керакки, Оржоникидзе ва Калинин районларининг аҳолисини сув билан таъминлаш ишларининг лойиҳаси бундан ўн йил олдинги даража ҳисобга олиниб тузилган. Ўшандан бери районлар экономикасида катта ўзгаришлар рўй берди. Аҳоли пунктлари кўпайди. Чорвачилик илмий-текшириш институти посёлкаси, йирик теплица комбинатлари, чорвачилик комплекслари ва бошқа объектлар пайдо бўлди. Бу ўзгаришлар яна бошқа янги сув ўтказиш трассаси ва насос станциясининг қурилиши тўғрисида ҳам ўйлашни тақозо этади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети яқинда қабул қилган «Қишлоқ турмуш маданиятини янада юксалтириш тадбирлари тўғрисида»ги қарорида қишлоқ аҳолиси фаровонлигини оширишнинг аниқ амалий йўллари кўрсатилган.

Республика Қишлоқ хўжалиги ва Қишлоқ қурилиши министрликлари, Тошкент «Водоканал» трести, Оржоникидзе ва Калинин районлари ижроия комитетларининг диққат-эътиборларини яна бир бор шу масалага қаратар эканмиз, тагин ўша олдинги саволларимизни такрорлаймиз: Қачон қурилишда бурилиш бўлади? Қачон амалий ишга ўтасиз? Шаҳар атрофи зонасидаги аҳоли қачон сув билан тўлиқ таъминланади?

Д. ПОЛЕВОЙ.
«Тошкент ҳақиқати»нинг жамоатчи муҳбири.



ДАВОЛАНИБ, ҲОРДИҚ ЧИҚАРАСИЗ

Суратларда: (юқорида) Оқ қўрғонда очилган янги санаторий-профилакторийнинг умумий кўриниши; (чанда) дам олиш пайтида: (ўнгда) медицина ҳамшираси Р. Сайфулина иш устида.

А. Мальцев фотолари.

Энди Оққўрғон ва Қуйи Чирчиқ районларининг меҳнаткашлари учун дам олиш ёки даволанишга олис шаҳарларга боришга айтарли ҳожат қолмади. Оққўрғонда очилган янги санаторий-профилакторий бундан буён пахтакорлар ва чорвадорлар хизматида бўлади. Профилакторий дам олишга ва даволанишга келган дастлабки кишиларни қабул қилиб олди. Бу ерда ҳозир «Оққўрғон» совхози, Вотинцев номли колхоз ва бошқа хўжаликларнинг аъзолари дардларига шифо топмоқдалар.

Оққўрғонда қурилган санаторий-профилакторий колхозлараро даволаш муассасаларининг тўнғичидир. У Оққўрғон райони колхоз ва совхозлари, қишлоқ хўжалиги ва тайёрлаш ишчи-хизматчилари касаба союзлари область комитети маблағи ҳисобига қурилди. «Ташобмежколхозстрой» трести бинокорлари янги даволаш муассасини сифатли қўлдан чиқаришди.

— Даволаш муассаси энг янги медицина асбоб-ускуналари билан тўла жиҳозланган, — дейди санаторий-профилакторий бош врачи А. Азимов, — ошқозоничак касаллиги, ревматизм, бод билан оғриган беморлар йигирма тўрт кун давомида бу ерда даволаниб, дарддан мусаффо бўладилар. Дам олувчилар турли микерал сувлардан ваннолар оладилар. Даволаш физкультураси билан шуғулланадилар. Қишда ҳам бу ерда сузиш бассейни ишлайди. 56 шифокор даволанишга ва дам олишга келган ҳамқишлоқлар бошида парвона бўлади.

Икки кишилик палаталар ниҳоятда кўркам. Улар замонавий мебеллар билан жиҳозланган. Келган киши ўзини худди меҳмонхонада дам олаётгандай ҳис этади. Суҳбатхоналарга эса телевизорлар қўйилган. Бироз зериксайгиз кенг майдонни эгаллаган боққа чиқиб, сайр қилишингиз мумкин. Чирчиқ соҳилларидаги қайиқлар станцияси ҳам дам олувчиларга хизмат кўрсатади.

Яқин келгусида колхозлараро даволаш муассасалари яна ҳам кўпаяди. Ҳадемай Бекобод районида ҳам шундай шифохона фойдаланишга топширилади. Келаси беш йилликда Урта Чирчиқ, Калинин ва Чиноз районлари меҳнаткашлари учун санаторий-профилакторий қуриб берилади. Бу тадбир қишлоқ меҳнаткашлари соғлиғини мустаҳкамлаш ва улар иш унумдорлигини оширишга ёрдам беради.

О. КРУЖИЛИНА.

ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАР КЎРИГИ

Ўзбекистон халқ хўжалиги ютуқлари виставкаси павильонида очилган «Озуқа тайёрлаш ва қайта ишлашнинг прогрессив технологияси»га оид кўргазмани томошабинлар зўр қизиқиш билан кўздан кечирмоқдалар. Экспонатлар чорвачиликнинг мустаҳкам озуқа базасини яратиш йўлида кейинги йилларда қўлга киритилган муваффақиятлар ҳақида ҳикоя қилмоқда.

Стендларнинг барида кенг яйлов тасвирланган. Олисда сурув-сурув қўйлар, сигир-бузоқлар ўтлаб юрибди. Ён томонда эса агрегат беда ўраяпти. Ўрилган озуқа трактор билан ёнма-ён келаётган прицепга жой бўлаяпти. Иккинчи томонда эса чорвадорлар сенаж бостириш билан банд. Улар қиш учун чорва озуқаси тайёрлашмоқда.

Стендлардаги бу суратлар «Оҳангарон» совхози чорвадорлари ҳаётидан бир эпизоддир холос. Совхоз коллективи чорва маҳсулдорлигини оширишда ва жамоат чорвачилигини ривожлантиришда бой тажриба тўплашган. Улар тўққизинчи беш йилликнинг якунловчи йилида давлатга 400 тонна гўшт, 2100 тонна сут ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари етказиб беришга бел боғлашган. Бу маррани эгалламоқ учун улар биринчи навбатда чорвачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлашга зўр бермоқдалар. Улар йил давомида 7550 тонна дағал озуқа ҳозирлашга ҳаракат қилмоқдалар.

Ўзбекистон чорвачилик илмий-текшириш институти олимлари ҳаётидан олинган фотосуратлар ҳам томошабинлар диққатини ўзига тортмоқда. Институт олимлари ем-хашак экинларининг янги навларини яратиш ва уларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш устида тинмай изланмоқдалар. Олимлар яратган хашаки қанд лавлаги ҳозир республика бўйлаб районлаштирилган. Бу навли лавлаги биринчи марта 1973 йилда экилган эди. Ўша йили гектар бошига 800—1000 центнердан илдизмева ҳосили йиғиб олинди.

Олимлар кейинроқ «Ўзбекистон-100» навли маккажўхорини яратишди. Асосан у силос учун мўлжалланган. Илғор хўжаликлар маккажўхоридан 500—600 центнер поя олдилар, 70 центнердан дон етиштирдилар. Ҳозир қўшни республикалар чорвадорлари ҳам маккажўхорининг бу навига қизиқиш билан қарамоқдалар. Туркманистон хўжаликлари бу йил 5 минг гектар ерга маккажўхори уруғи экиб, мўл ҳосил етиштирдилар.

— Эндиликда сулининг кенг баргли нави ҳам оралиқ экин сифатида экилмоқда,— дейди институт илмий ходими Ҳусниддин Иброҳимов.— Бу хил экиннинг жавдарга нисбатан бир қатор афзалликлари бор. Аввало кенг баргли сули эрта етилади, кўкат ҳолатини узоқ сақлайди. Бундан ташқари пишганда ҳам майинлигини йўқотмайди, жавдардек дағаллашмайди.

Институт олимлари оқ жўхорининг янги навини яратиб, чорвадорлар таҳсинига яна бир бор сазовор бўлдилар. Бу навли жўхорини асосан сувсиз зоналарда экиш мўлжалланган. У шўр ерларда ҳам яхши ҳосил бераверади. Хлоредла, донадор озуқа тайёрлашни қўпайтириш соҳасида ҳам олимлар чорвадорларга яқин кўмакдош бўлмоқдалар. Институт коллективи фаолиятидан ҳикоя қилувчи стендларни кўргазмага келаётган томошабинлар алоҳида қизиқиш билан кўздан кечиришаяпти.

— Кўргазмада озуқа тайёрлашда қўл келаётган бир талай агрегатлар ҳам намойиш қилинмоқда,— суҳбатимизга қўшилди илмий-техника жамияти республика Совети лабораториясининг бошлиғи Илҳом Муслимов.— Коллективимиз яратган ГДМПА-20 маркали ультратовушли аппарат чорвадорларга яқин кўмакдош бўла олади. У асосан бузоқлар учун сунъий сут тайёрлаб беради. Механик қориштириш усули билан илгари ҳар литр сунъий сут тайёрлаш учун тўрт тийин сарфланган бўлса, ультратовушли аппаратнинг ишга туширилиши билан маҳсулот тайёрлаш таннархи салкам тўрт марта арзонлашди. Хўжаликлар 411 сўмлик капитал маблағ сарфлаб, шундай агрегатга эга бўлишлари мумкин.

Кўргазма зали ҳар куни томошабинлар билан гавжум. Улар орасида чорвадорлар, олимлар, студентлар бор. Стендлар олдида бўлаётган суҳбатларда мутахассислар озуқа тайёрлаш ва уни қайта ишлаш соҳасида тўплаган тажрибаларни томошабинларга сўзлаб бермоқдалар. Илғор хўжаликлар вакиллари ўз ютуқларидан ҳикоя қилмоқдалар.

Ж. НОСИРОВ.

Суратда: кўргазма залида, А. Абалян фотоси.

Ажойиботлар олами ичида

ҚАНОТСИЗ УЧГАН ОДАМ

Амур областининг Куприяновка қишлоғи бўйлаб қўтарилган тўфон бир зумда ҳамма ёқни остин-устун қилиб юборадиган. У болалар боғчаси, клуб, уй-жойларнинг томини учириб кетди, дарахтларни илдизи билан қўпорди, дон сақланадиган омборни қулатди.

Шу дамда пенсионер С. Д. Тертица боғини ўз томорқасида ковлаб қўйган картошкалар уюми устини ёпишга шошилиб, ташқарига отилди. Ҳовлига чиқди-ю, чолнинг оёғи ердан узилди. Тўфон ўрами уни осмону-фалакка олиб чиқиб, маълум вақт сайр қилдирди. Шундан сўнг яна бўрон қанотида силос массасига тўлдириб қўйилган катта хандақ устига юмшоққина келиб қўнди. Қанотсиз учган одамнинг ҳеч қаери лат емади.

ЭНГ НОВЧА, ЭНГ ПАКАНА

Американинг Индианаполис шаҳри аҳолиси ғайри-табиий учрашувнинг гувоҳи бўлишди. Бу ерга жаҳондаги энг новча ва энг пакана кишилардан бир группаси таклиф қилинди. Индиана штатида истиқомат қилаётган Сандра Ален хонимнинг бўйи 2 метру 27 сантиметр экан. Бўйлашганлар ичида у энг новчаси деб топилди. Эркаклар орасида цирк артисти Михали Месарош ер юзининг энг пакана фуқороси экан. Унинг бўйи 34 сантиметрни ташкил этди.

Шуниси қизиқки, энг новча аёл Сандра Ален ҳам энди артистлар билан ҳамкорлик қилишга сўз берди. Машҳур режиссер Ф. Феллини уни ўзи олаётган янги фильмда суратга тушишга таклиф этди.

ЯХШИЛИККА ЁМОНЛИК

Бирманинг Иравади дарёси бўйидаги Табаунг шаҳри гўшт бозорига овчилар узунлиги салкам 6 метрлик каттакон бўғма илонни олиб келишди.

Илоннинг гўштга топширилаётганлигини билган ўша шаҳар фуқароларидан бири дарров унга раҳми келиб, сотиб олди ва шаҳар чеккасига олиб чиқиб қўйиб юбормоқчи бўлди. Лекин, у қорзина қопқоғини очиши билан ҳалиги илон зарб билан унинг бўйнига сиртмоқ бўлиб ташланди ва бўға бошлади. Яхшиямки, бахтига атрофида одамлар бор экан, бўлмаса, кўнгли бўш натуралист бўғма илон «занжири»дан омон чиқмасди.

ДЎСТЛИК ТАРОНАЛАРИ

Дам олиш кунлари Марказий «Пахтакор» стадиони узра вокаль-инструменталь ансамблининг шўх жаранги ва эстрада қўшиқлари парвоз қилди. Бу кунларда стадионнинг кенг секторларидаги ўриндиқларни футбол ишқибозлари эмас, юзлаб санъат мухлислари эгалладилар.

Томошабинлар пойтахтимизда меҳмон бўлиб турган югославиялик санъаткорлар чиқишини томоша қилишди. Улар, айниқса, таниқли эстрада артистлари Зденка Ковачичек, Томислав Кризменич ва Драган Античлар ижросидаги қўшиқларни завқ билан тингладилар.

Концертда «Ўзбекконцерт» ва Ўзбек Давлат эстрада коллективлари ҳам қатнашиб, қатор номерлар намойиш этишди. Ўзбекистон ССР халқ артисти Ботир Зокиров, халқаро эстрада артистлари концертининг лауреати, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Эсон Қандов, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар Луиза Зокирова, Ўрнё Керменчекли ва қатор солист ҳамда хонандалар ижросидаги ўзбек, рус, татар, ҳинд ва бошқа қардош тилларда янграган қўшиқ ва куйлар санъат мухлисларини хушнуд этди.

Шунингдек, концертда «Ялла» вокаль-инструменталь ансамбли, «Хайтарма» ва Тошкент «Мюзик холл» ансамбллари қатнашдилар.

Концерт программаси интернационал дўстлик, биродарлик ва буюк Ғалабанинг 30 йиллигига бағишланди.

А. БОБОБЕКОВ.

Реклама ва эълонлар

«БАҲОР» КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

7—8—9 ОКТЯБРЬ КЕЧ СОАТ 7 ЯРИМДА
ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ «БАҲОР» ХАЛҚ РАҚС АНСАМБЛИНИНГ

КОНЦЕРТИ

ЯНГИ ПРОГРАММА

ҚАТНАШАДИЛАР:

СССР халқ артисти, Давлат мукофотининг лауреати МУКАРРАМА ТУРҒУНБОЕВА

Солистлар: ХАЙРУЛЛА ЛУТФУЛЛАЕВ, БАХТИЁР ЮЛДОШЕВ, ЖУРАХОН РАҲИМОВ.

Ансамблнинг бадиий раҳбари — СССР халқ артисти М. ТУРҒУНБОЕВА.

Билетлар концерт зали кассасида кундуз соат 2 дан сотилади.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00— МОСКВА. 16.55 — ТОШКЕНТ. 17.00 — Ўқувчилар бригадасида. 17.30 — Телефильм. 17.55—СССР Фанлар академиясининг 250 йиллигига (Москва). 19.35 — «Ахборот», 19.50 — «Прогресс» программаси. 20.20 — Ўн минут музика, 20.30— «Ахборот». 20.50 — Пахтазор — мардлар майдони. 21.10 — Концерт. 21.50 — Чолу кампир бўлган экан (бадиий фильм). 24.00— МОСКВА. «Вақт». 00.30 — Хоккей. «Спартак» — «Динамо» (Москва).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 16.55— МОСКВА 17.25 — Концерт. 17.55 — ТОШКЕНТ. 18.25 — Кино ҳақида суҳбатлашамиз. 19.35 — МОСКВА. 20.15 — Концерт. 20.45 — Илмий-оммабоп фильмлар. 21.15 — Германия Демократик Республикаси эълон қилинганлигининг 26 йиллигига бағишланган кўрсатув. УЧИНЧИ ПРОГРАММА 19.35 — ТОШКЕНТ.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 7]Хда Парвоз, 8]Хда Оқшомдан тушгача.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 7]Хда Олифта, 8]Хда Замонали ва Омонали.

«ШАПИТО» ЦИРКИДА — 7]Х да МОСКВА ЦИРКИ АРТИСТЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ (19.00).

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Оддий муҳаббат — САНЪАТ САРОЙИ, «ЧАПКА», «ВОСТОК», «МОСКВА», «НУКУС» (кундуз ва кечқурун).

Сўнгги ўқ, Қопқон — «ҚОЗОҒИСТОН» (11.00, 12.00, 14.00, 15.00, 17.00, 18.00, 20.00, 21.00), «ДРУЖБА» (11.00, 12.00, 14.00, 15.00, 17.00, 18.00, 20.00), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», НАВОИЙ НОМЛИ (кундуз ва кечқурун).

Флангсиз фронт — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

ХОТИН-ҚИЗЛАР КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Собир Раҳимов райони саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотлари ҳамда муассасаларида 8 мингдан ортиқ хотин-қиз меҳнат қилмоқда. Улар тўққизинчи беш йиллик вазифаларини муддатидан олдин бажариш учун бошланган мусобақаларда актив иштирок этмоқда. Кўпгина ишчи хотин-қизлар бир беш йилликда икки беш йиллик планини бажариб, эл ҳурматига сазовор бўлмоқдалар.

Яқинда район хотин-қизларининг катта анжумани бўлиб ўтди. Бу анжуманда улар меҳнатда қўлга киритган муваффақиятларини бир-бирларига сўзлаб бердилар, илғор тажрибаларни ўртоқлашдилар. Илғор аёллардан пиллакашлик фабрикасининг ишчиси, КПСС XXIV съездининг делегати Саноат Йўлдошева, 6-қурилиш трести нормаловчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Людмила Дудина, пенсионер мураббий Мели Бўтабоева сўзларини дугоналари зўр қизиқиш билан тингладилар.

Халқаро хотин-қизлар йилига бағишлаб ўтказилган конференция қатнашчилари унумли меҳнат қилиб, партиямиз бўлажак XXV съездига ёруғ юз билан боришга аҳд қилдилар.

Спорт

МАҒЛУБИЯТНИНГ ЧЕКИ БОРМИ?

Олий лига командалари ўртасидаги футбол мусобақалари ниҳоясига етиб қолди. Шунинг учун ҳам ҳар бир команда ҳох у турнир жадвалининг юқорисида бўлсин, ҳох пастида ҳар бир очко учун қизғин кураш олиб бормоқда. Фикримизни навбатдаги мусобақалар ҳам тасдиқлайди.

Чемпионатда 12 очко билан энг сўнгги ўринни эгаллаб турган Ростов армянчилари ўз майдонларида хамшаҳарларимизни қабул қилиб, 3:1 ҳисобида ғалабага эришдилар. Айтиш керакки, пахтакорчилар иккинчи даврада ўз имкониятларидан паст даражада ўйин кўрсатиб, хавфли зонага тушиб қолдилар. Ўзбек футболчилари ўйиндан-ўйинга маҳоратларини оширишлари, очколар сонини кўпайтириш ўрнига ҳамон рақибларига тантилик билан очколарини тақсимлаб бермоқдалар. Бундай қўнгилсиз аҳволга тезда барҳам берилмаса ва олдинда турган масъулиятли учрашувларга пухта ҳозирлик кўрилмаса олий лига билан хайрлашиш ҳеч гап эмас. Бунинг футболчиларимиз чуқур ҳис этишлари лозим.

Турнир жадвалида «Пахтакор» билан ёнма-ён турган Ленинград футболчилари ҳам бу турда 2:0 ҳисобида ютқазиб қўйдилар. Қўлга киритилган 2 муҳим очко эса пойтахт автозаводчиларини кучли учлар сафига яқинлаштирди. «Черноморец» — «Заря» учрашуви 1:0 ҳисобида Қораденгизчилар фойдасига ҳал бўлди. «Карпати» — «Шахтер» ўйинида дуранг натижа — 0:0 ҳисобида тугади.

ҚИЗҒИН УЧРАШУВЛАР

Сув полоси бўйича Тошкентда давом этаётган СССР чемпионати поёнига етиб қолди. Кеча Олмаотанинг «Динамо» командаси киевлик клубдошлари билан ўзаро куч синашдилар. Қизғин спорт кураши остида ўтган бу мусобақа 6:5 ҳисобида қозоқ спортчилари фойдасига ҳал бўлди. «Балтика» (Ленинград) — «Спартак» (Волгоград) учрашуви 3:3 ҳисобида дуранг натижа билан тугади. Чемпионатда республикамиз спорт шарафини ҳимоя қилаётган «Меҳнат» ватерполчилари ҳозирча 6 очко тўплашган.



Яқинда Тошкентдаги «Ёшлик» спорт саройида баскетбол бўйича республика биринчилиги мусобақаси бўлиб ўтди. Бунда 40 команда ўзаро куч синашди. Суратда: «Меҳнат» ва «Спартак» кўнгилли спорт жамияти командаларининг ўйини пайти.

М. Штейн фотоси.

Редактор А. ИСМОИЛОВ

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и областного Совета депутатов трудящихся.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, №26. ТЕЛЕФОНЛАР коммутатор — 330249 дан 330258 гача Эълонлар — 338142.

Р. 1748. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, № 26 Индекс 64634. Б—3475.